



**МИРЗО УЛУҒБЕК
НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
МАРКАЗИ**

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
96 ЙИЛЛИГИГА ФАЛСАФА-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИНИНГ
35 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

www.itm.uz

- иқтисодиётнинг мафқурадан холи бўлиши - прагматик иқтисодий сиёсат; - давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши;
- конун устуворлигини таъминлаш; - кучли иқтисодий сиёсат олиб бориш; - ислохотларни босқичма-босқич ва вақтинлик билан амалга ошириш

- деидеологизация - прагматичность экономической политики; - возложение роли главного реформатора на государство;
- обеспечение верховенства закона; - проведение сильной социальной политики; - поэтапность и постепенность в реализации реформ

Мазкур тўпламда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультетининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрантлари ва иқтидорли талабаларининг илмий мақолалари мужассамлаштирилган. Тўпламдаги мақолалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг долзарб масалаларига бағишлангандир.

Ушбу тўплам «Центр инновационных технологий» МЧЖ ва «Иқтисод ва молия» журнали таҳририятининг ҳомийлигида нашр этилди. Ушбу ҳомийлик Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт факультети декани,
и.ф.н. **Мажидов Н.М.**

Тўплаб нашрга тайёрловчи: и.ф.н., доц. **Муминов Н.Г.**

Мазкур Илмий ишлар тўплами Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети Кенгашининг 2014 йил 24 апрель мажлисида (9-баённома) муҳокама қилинган ва университет Илмий-техник Кенгашининг 2014 йил « 23 » май мажлиси (3-баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

Мажидов Н.М. Пенсия тизимини ривожлантиришда ижтимоий ҳамкорлик ва кафолатларни таъминлашнинг хорижий тажрибаси	5
Абулқосимов Х.П., Нагметуллаева Б.П. Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари	8
Макушина А.Ю. Особенности государственной поддержки и развития малого бизнеса в Узбекистане	13
Муминов Н.Г. Пенсия тизимини ислох этишда ижтимоий шерикчилик ва жаҳондаги пенсия ислохотларини ўрганишнинг аҳамияти	19
Ақбаров Д. Эркин бозор нархининг математик хусусиятлари.	23
Абдуллаева Р.Г. Германияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	31
Нигматова Д.З. Мотивация персонала - как важнейший фактор результативности работы	36
Абдуллаева Р.Г. Оилавий бизнес – аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили	40
Захирова Г.М. Меҳнат жамоларига номзодларни танлаш ва меҳнат ресурсларини иш фаолиятига тайёрлаш усуллари	45
Таваккалов С. Налоговая политика государства по отношению к крупному производству (на примере государственного предприятия Навоийский горно-металлургический комбинат)	51
Абулқосимов Х.П., Алимова Н. Ўзбекистонда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари	59
Қулматов А.А. Кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқаришда ижтимоий шерикчиликнинг хорижий тажрибаси ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалалари	65
Нийёзов М.А. Ўзбекистонда аҳоли бандлигига тадбиркорлик ва демографик омилларнинг таъсири	71
Таваккалов Ш. Скандинавия мамлакатларида ижтимоий иш	76
Абулқосимов М.Х., Эгамбердиев Ш., Норбоев С.А. “Микрокредитбанк” АТБ нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдаги роли	81
Макушина А.Ю. Социальная поддержка населения в Узбекистане	86
Мамуров У. Роль социальных институтов в обеспечении социальных гарантий	93
Очилов Н.Ф. Современные тенденции инвестиционных процессов: глобальные и региональные аспекты	98
Умаров А.Т. Минтақа корхоналари иқтисодиётини эколого-иқтисодий тартибга солишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари	104

Шайзаков.Б.И., Шерказиев.Ш.Р. Основные направления развития промышленного сектора экономики	108
Ботиров Б.Н. Фан-техника тараққиёти - иктисодиёт таркибини модернизациялашуви омили сифатида	114
Иброхимов Х., Мақсудов Д. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари	121
Вотчель Д.Н. Перспективы развития профессионального обучения для предпринимательской сферы	126
Хамракулов Б.Х. Узбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишлари	132
Мажидов Н.М., Бобоқулова К.С. Пенсия тизими моделлари ва уларнинг хусусиятлари	138
Айтаҳунова К.А. Роль малого бизнеса в увеличении доходов населения Узбекистана	143
Раҳмонов А.Х. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти	148
Файзиёва Ш.Р. Узбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг йўналишлари	152

Н.М.Мажидов
ЎзМУ Иқтисодиёт
факультети доценти, и.ф.н.

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ВА КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Ҳозирги жаҳон амалиёти давлат томонидан бошқариладиган пенсия схемаси билан хусусий бошқарувдаги жамғариладиган пенсия ҳисобини бирлаштирган тизимнинг самарали фаолият кўрсатаётганини кўрсатмоқда. Бунда нодавлат жамғариладиган схемага эътибор кучайтирилиб, аста-секин уни пенсия суғуртасининг комплекс тизимига жорий қилиш амалга оширилади. Буни қатор мамлакатлар тажрибасида кўришимиз мумкин.

Буюк Британиянинг пенсия тизimini ислоҳ қилиш тажрибаси шуниси билан эътиборга моликки, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бошқа саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан давлатнинг пенсия мажбуриятларини кўпроқ қисқартиришга эришилган. Буюкбританиянинг пенсия тизими икки даражага эгадир:

Биринчи даража – давлат суғурта тизими. У ўзида энг кам (базавий) пенсияни кафолатловчи, белгиланган миқдорни давлат томонидан таъминланишини акс эттиради. 2002 йил апрелидан иш ҳақи даражасига боғлиқ бўлган иккинчи давлат пенсияси жорий қилинди. Давлат пенсиялари иш берувчилар ва ишловчиларнинг мажбурий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Бадаллар Миллий суғурта жамғармасида тўпланади. Ушбу маблағлардан жорий пенсия тўланади.

Агар Миллий суғурта жамғармасининг маблағлари тўловлар учун етмаса, у ҳолда давлат етишмаётган миқдорни солиқ йиғимларидан олади. Кимдасир даромад белгиланган даражадан кам бўлса, давлат кафолатланган энг кам пенсияни солиқ йиғимларидан тўлайди.

Иккинчи даража – нодавлат пенсия таъминоти тизимидир. Нодавлат пенсияларига профессионал (касбий) пенсия режалари ва персонал пенсия режалари тааллуқлидир.

Профессионал пенсияларни иш берувчилар ёки иш берувчилар гуруҳи тайинлайди. Бу ишловчиларни рағбатлантириш, корхонага янги кадрларни жалб қилиш ва уларни сақлаш, солиқ имтиёзлари олиш, жамоатчилик олдида корхона имиджини ошириш учун амалга оширилади. Пул маблағлари йиғиладиган, инвестицияланадиган ва қўшимча пенсия сифатида тўланадиган пенсия жамғармасига йўналтирилади. Қўйилган маблағларнинг бутлиги иккиламчи суғурта тизими томонидан кафолатланади. Пенсия миқдори ва бошқа шартлар пенсия режаси қоидалари асосида белгиланади. Жамғарма белгиланган шартларга риоя қилишда солиқ имтиёзларига эгадир. Пенсия жамғармаси иш берувчидан

бизнеса освобождаются от уплаты налога на прибыль в части предоставления льготных кредитов. Средства фонда будут преимущественно выделяться для финансирования высокотехнологичных и инновационных проектов в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства, производственных микрофирм, малых предприятий, дехканских и фермерских хозяйств, расположенных в отдаленных и труднодоступных районах, а также в районах и городах с избыточными трудовыми ресурсами.

Это позволяет создавать новые мини-заводы и предприятия, оснащенные современными технологиями и оборудованием, и производящие конкурентоспособную продукцию, быстро приспосабливающиеся к изменениям на внутреннем и внешнем рынках. Ширятся ряды предпринимателей, производящих востребованную на мировом рынке продукцию, фермеров, наладивших переработку собственной продукции, добывающихся весомых результатов в животноводстве и других высокорентабельных отраслях. Усиливается стремление предпринимателей, фермеров и ремесленников к внедрению в свою деятельность современных передовых методов. Как известно, малым предприятиям непросто выйти на внешний рынок со своей продукцией. Для этого требуются определенные расходы, знание состояния рынков иностранных государств и особенностей их законодательства. В этой связи правительством Узбекистана уделяется особое внимание созданию организационных, правовых, финансовых механизмов для развития экспортного потенциала малого бизнеса. К примеру, для малых предприятий, у которых доля экспорта товаров, работ, услуг собственного производства за свободно конвертируемую валюту, за исключением сырьевых товаров, составляет от 15 до 30 процентов в общем объеме реализации, установленная ставка налога снижается на 30 %, если от 30 и более процентов в общем объеме реализации, установленная ставка снижается на 50 %.

Принятый Президентом страны Указ «О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству» от 18 июля 2012 года, направленный на кардинальное улучшение деловой среды, создание наиболее благоприятных условий для осуществления предпринимательской деятельности, сокращение, упрощение и усиление прозрачности всех видов процедур, связанных с деятельностью предприятий, внедрение общепринятой в мировой практике системы критериев оценки условий ведения бизнеса и на этой основе дальнейшее повышение международного рейтинга уровня делового и инвестиционного климата страны, несомненно, ознаменовал начало нового этапа развития этой сферы.

Многие из поставленных задач последовательно реализуются. Так, идет намеченное программой сокращение государственных

управленческих функций и разрешительных норм, ликвидация бюрократических барьеров и препон, внедрение рыночных инструментов и механизмов, обеспечивающих широкий доступ субъектов малого бизнеса к кредитно-финансовым сырьевым ресурсам и государственным заказам на производимую ими продукцию. Предпринимаются меры по сокращению вмешательства государственных и контролирующих органов в финансово-хозяйственную деятельность субъектов предпринимательства. Упрощается решение вопросов строительства и подключения субъектов малого бизнеса к инженерно-коммуникационным сетям, выделения им нежилых помещений и необходимых земельных участков.

Малые предприятия пользуются поддержкой во всех развитых странах. Этот факт подтверждает, что малое предпринимательство как новая форма организации общественно необходимого труда отвечает социально-экономическим интересам Узбекистана. Эта деятельность в равной степени полезна как для экономики страны в целом, так и для каждого гражданина в отдельности, и поэтому заслуженно получила государственное признание и поддержку. Малые предприятия включают в процесс общественного производства дополнительный труд, который создает новые ценности, приумножает национальный доход и национальное богатство. Малое предпринимательство является таким источником развития, от которого Узбекистан не может отказаться ни сейчас, ни в будущем.

Муминов Н.Г.
Ўзбекистон Миллий
университети
“Макроиктисодиёт”
кафедраси доценти

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ВА ЖАҲОНДАГИ ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Замонавий пенсия таъминоти тизимининг вужудга келиши – меҳнат қобилиятини йўқотилиши муқаррар равишда тўлов қобилиятини йўқотилишига олиб келадиган индустриал жамият маҳсулидир. Ижтимоий ҳолатни барқарорлаштиришга интилиб кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари (бу йўлдан биринчи бўлиб Германия ҳукумати борди) вақт ўтган сари кафолатланган оммавий пенсия таъминоти тизимига ўтиш зарурати мавжудлигини англади. Шу равишда авлодлар бирдамлигига асосланган тақсимломчи пенсия тизими юзага келиб, унда тўловлар ишловчи фуқароларнинг жорий бадаллари ҳисобига шаклланади.

Пенсия тизимларини ислоҳ этиш жараёни XX асрнинг охирларида кўпчилик ривожланган мамлакатларга таъсир кўрсатган демографик

инкироз билан боғлиқдир. Умр кўриш даври узайганлиги ва туғилиш пасайиши сабабли меҳнат қилувчи аҳоли зиммасига тушувчи юк ошиб боради. Шу сабабдан “авлодлар ўртасидаги бирдамлик” тизими ўрнига “жамғариб борувчи” тизим юзага келмоқда ушбу янги тизимда молиялаштириш иш берувчиларнинг ёки келажақда пенсияга чиқувчиларнинг ўзларининг алоҳида ҳисоб рақамларига тўпланиб бориладиган суғурта бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Бу ҳолда иштимой шерикчилик субъектлари сифатида потенциал иш берувчилар ҳамда ҳозирги вақтда ишловчилар (келажақдаги пенсионерлар) ўртасида юзага келади

Биринчилар қаторида жамғарилиб бориладиган тизимга 1981 йилда Чилида ўтилди. Чилиликлар ўзларининг шахсий ҳисобрақамларига маблағ ўтказиб туришган, пенсия жамғармаси эса уларнинг жамғармаларини бошқарган. Шу билан бирга кафолатланган бирдамлик пенсия тизими сақланиб қолган бўлиб, унда олмиш беш ёшга тўлиб ўн йил ва ундан кўп меҳнат стажига эга бўлган эркак ва аёлларга пенсия тўланиши белгиланган. Чилидан сўнг бундай тизимни яна бир неча Лотин Америкаси мамлакатлари (Мексика, Боливия, Сальвадор, Аргентина) ҳамда Қозоғистон жорий этишди. Жамғарилиб бориладиган тизимни жорий этилиши қаторида ўтиш вақтида аввалги тизимни, вақтинча бўлса ҳам, сақланиб қолиши мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий аҳамиятини акс эттиради. Буни шахслар (индивидлар) ўртасида эмас, балки тизимлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик деб баҳолаша бўлади.

2008 йилда Чили пенсияни фақатгина жамғариш таъминоти принциpidан воз кечди, ва тақсимот тизими элементларидан фойдалана бошлади. 2008 йилнинг охирида Аргентина ҳам шундай йўл тутди, 2010 йилда Боливияда хусусий пенсия жамғармалари давлат тасарруфига ўтди, пенсияга чиқиш ёши 58-55 гача пасайтирилди.

Германияда пенсия ислохотлари. Баъзи прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб Германияда битта пенсионерни битта ишловчи таъминлайди. Шу сабабдан, агар 1972 йилдан 2001 йилгача қариллик бўйича бирдамлик пенсияларини 35 йилдан кам бўлмаган муддатда суғурта бадалларини тўлаган (яъни 35 йил меҳнат стажига эга бўлган) ишловчилар 63 ёшга тўлганларида олардилар, кейинчалик пенсияга чиқиш ёши 65 гача кўтарилди. Меҳнат стажига чегаралари эса эгилувчан (5 йилдан 35 йилгача) бўлди. Германияда инкироз давригача ўртача пенсия даражаси ўртача иш ҳақининг тахминан 70 фоизини ташкил этарди.

Жамғарилиб бориладиган тизимга Германия бирдамлик тизими бўйича ажратмалардан тўлиқ воз кечмаган ҳолда 2001-2002 йилларда ўта бошлади. Бу ҳол ижтимоий инкирозни олдини олиб, фақатгина ҳукуматнинг сайи-ҳаракатини эмас, балки уни ҳар бир меҳнаткаш ва бизнес эгалари (иш берувчилар) билан ижтимоий ҳамкорлик фаолиятини

акс эттирди. Қариллик бўйича мажбурий суғурта жамғармаси бу ерда иш берувчининг ва ишловчининг индивидуал пенсион ҳисобрақамига мажбурий эквивалент ажратмалар ҳисобига шаклланади. Маблагнинг тахминан 20 фоизи давлат дотацияси ҳисобига молиялаштирилади. Шу билан бирга хусусий ва ишлаб чиқариш пенсия жамғармалари тизими ҳам ривожлангандир.

1975 йилдан кейин туғилган Германия фуқароларига 2002 йилдан бошлаб ҳар ойда Хизматчиларни суғурталаш федерал идорасининг хабарномаси келиб туради, ва унда жорий суғурта ажратмаларидан келиб чиқиб келажақдаги пенсияни ҳисоб-китоб кўрсаткичлари акс эттирилади. Пенсияга чиқиш ёши 2012 йилдан эркаклар ва аёллар учун 65 дан 67 гача кўтарилди.¹ Бунинг натижасида ижтимоий суғурта тизимидаги юзага келган молиявий муаммоларни бартараф этиш имкониятларини юзага келтирди.

Францияда пенсия ислохоти. Пенсия суғуртасининг француз тизими бирдамлилик принциpigа асослангандир. Яқин вақтларгача францияликлар пенсияга 60 ёки 65 ёшда (пенсия жамғармасига 40,5 ёки ундан кам йил давомида ажратмалар қилинган тақдирда) пенсияга чиқар эдилар. Ўсиб бораётган пенсия таъминоти харажатлари ортиб бораётган давлат қарзи эвазига қопланар эди.

2010 йилда ислохотлар натижасида 2018 йилдан бошлаб пенсияга чиқиш ёши 62 ва 67 ёшгача кўтарилиши қайд қилинди, бадалларни тўлаш даври эса 42 йилгача оширилди. Ушбу ислохотлар мамлакатдаги ижтимоий инкирозга олиб келиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда жуда кўп қаршилиқларга дуч келди, лекин 2010 йил кузида француз парламенти томонидан маъқулланди.

Буюк Британияда пенсия ислохоти. 26.07.2007 йилдаги қонуний ҳужжатга биноан Буюк Британияда пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан 68 ёшгача кўтарилди, янги кредит тизими жорий этилди, тўлиқ пенсияни олиш учун зарур бўлган меҳнат стажига қисқартирилди аёллар учун 39-44 йилдан ва эркаклар учун 44 йилдан 30 йилгача пасайтирилди.

Буюк Британияда ҳар ҳафта амалга ошириладиган пенсия ажратмалари иш берувчи томонидан меҳнаткашлар даромадидан 11-12 % миқдорида тўланади. Келажақдаги пенсионерлар эса (улар банд бўлган ҳолда) чекланган ҳажмда бадаллар тўлайдилар. Ишламайдиган шахслар ихтиёрий равишда бадаллар тўлаши мумкин. Бундай тизим иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик бутун мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий муҳитга ижобий таъсирини кўрсатади.

Буюк Британиядаги ислохотлар натижасида минимал давлат пенсиясини (тўлиқ базавий пенсиянинг чорак қисмида) олиш ҳуқуқига эга

¹ Пенсияга чиқиш ёши Германия Меҳнат вазири Урсула фон дер Ляйеннинг таклифига биноан 2012 йилдан эркаклар ва аёллар учун 65 дан 67 гача кўтарилган эди

бўлган шахслар сони кўпайди, уни олиш учун камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлишлари керак эди. Базавий пенсия ҳажми жорий даромадга фоиз ҳисобида бир мунча ўсди.

Швецияда пенсия ислоҳоти. XX асрнинг 90-йилларига қадар Швеция пенсия тизими тўлиқ бирдамлилиқ асосланган ва тенглаштирилган эди – барча фуқаролар камида 30 йил меҳнат стажига эга бўлиши керак ва пенсия ҳажми ўртача иш ҳақининг 60 %ни ташкил этган. Бунда авлодлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик амалга оширилди эди. Ушбу шерикчиликнинг субъектлари бўлиб ҳозирги вақтда меҳнат қилаётган аҳоли ва ҳозирги вақтда нафақада бўлган (аввал ишлаган) аҳоли намоён бўлишади.

2003 йил 1 январдан бошлаб (1998 йилдаги лойиҳа бўйича) Швецияда уч даражали жамғарилиб борувчи пенсия тизими амал қилиб келмоқда. Шартли-жамғарилиб борувчи пенсия пенсионернинг ихтиёрига кўра 61 ёшга тўлгандан сўнг ҳисоблаб берилди бошланиши мумкин. Ушбу пенсиянинг тўланишини асосий шартли фуқаронинг мамлакат ҳудудида олинган барча даромадининг 16 % тақсимловчи жамғарилувчи қисмга ўтказилишидир. Жамғарилиб борувчи пенсия ойлик маошдан шахсий ҳисобрақамга ойма-ой ажратмалар (2,5%) ҳисобига шаклланади. Ихтиёрий пенсия суғуртаси ишчилар ва корхона эгаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосланади. Ишламаганлар ёки ажратмалари минимал белгиланган ҳажмдан кам бўлганлар учун ёлғиз киши учун икки яшаш минимуми ҳажмида қафолатланган давлат пенсияси белгилангандир. Бундай ислохотлар натижасида одамларда боқимандалик кайфияти йўқолиб, иш қидиришга ва меҳнат қилишга иштиёқи ошиб борди. Натижада иш берувчи ва унга ёлланиб меҳнат қилувчи ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатлари меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Японияда пенсия ислоҳоти. Япония ҳукумати 2004 йилда пенсия бадаллари бўйича ставкаларни, пенсия жамғармаларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш улушини ва пенсияга чиқиш ёшларини – 55 дан 65 ёшгача оширди. Японияда пенсия икки қисмдан ташкил топган – базавий ва меҳнат. Иккаласи ҳам фуқароларнинг мажбурий пенсия ажратмалари ҳисобидан шаклланади, лекин ўзига ишлаган шахслар фақатгина базавий пенсияни оладилар, ёлланма ишчилар эса - иш ҳақидан тўлаган ажратмалари ҳисобига – ҳам базавий, ҳам меҳнат пенсиясини олишади.

Пенсия тизимини ислох этиш заруратига кўпгина мамлакатлар дуч келишмоқда. 2010 йилда жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига Украина ҳам ўта бошлади. Мутахассисларнинг таҳлиллари бўйича жорий асрнинг 20-йилларига келиб АҚШнинг тақсимловчи-жамғарилиб борувчи пенсия тизими ўз ривожига энг юқори чўққисига эришади. Маълум бир муддат ўтгандан сўнг ишловчилар сонига нисбатан пенсионерлар сонини ўсиб бориши муаммоси бошқа кўпгина мамлакатларга ҳам таъсир кўрсата

бошлайди. Шу сабабдан пенсияга чиқиш ёшларини оширилиши ва пенсия таъминоти тизимларида жамғарилиб борувчи элементлари улушини ошиб бориши табиий ҳолдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пенсия тизимидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг турли-туманлиги уларнинг ижтимоий жиҳатларини эътиборсиз қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунда иш берувчилар билан ҳукумат органлари, маҳаллий бошқарув органлари билан пенсияга чиққан аҳоли ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларини амалга оширилиши ижтимоий соҳа инкирозини олдини олишга олиб келади.

Адабиёт

1. Ерошенко С. Мировой опыт реформирования пенсионных систем // Общество и экономика. – 2001.
2. www.pfrf.ru - официальный сайт Пенсионного Фонда Российской Федерации.
3. Мосейко В.В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства.

Акбаров Д
Ўзбекистон Миллий
университети “Бизнесни
бошқариш” кафедраси
доц.в.б., и.ф.н.

ЭРКИН БОЗОР НАРХИНИНГ МАТЕМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республика ҳокимияти ва Ўзбекистон Республика Президенти И.А. Каримов иқтисодиётнинг ривожланишининг асосий омиллардан бири - нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон бозорларидаги маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни бу мувозанатга эришишнинг математик нуқтаи назардан хусусиятларининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Талаб - бу истеъмолчининг хоҳиши ва бозорда хоҳиш ўзгарувчан бўлади. Талабни асосий боғловчи нарса бу бозорда маҳсулотга қўйилган нарх. Қанчалик маҳсулотни нархи пасайса, истеъмолчилар бошқа маҳсулотга қараганда бу маҳсулотни шунчалик кўп олади. Талабда нарх билан сотиладиган маҳсулот миқдори бир-бири билан тесқари пропорционал боғланган шунинг учун уни математик графиги, агар тўғри чиқиш қилиб қабул қилинса куйидаги функцияга тенг:

$$Q^D = a - bP^D$$